



230100, Nukus shahri, Dosnazarov ko'chasi, 62-uy  
Tel.: 0 (361) 222-24-37, 222-95-20, faks: 222-98-30  
web-site: www.kkedu.uz, e-mail: mno.rk@exat.uz

230100, Nókis qalasi, Dosnazarov kóshesi 62-úy  
Tel.: 0 (361) 222-24-37, 222-95-20, faks: 222-98-30  
web-site: www.kkedu.uz, e-mail: mno.rk@exat.uz

« 15 » Декабрь 2021-у.

№ 01-013-5671 « \_\_\_\_\_ »- \_\_\_\_\_ 2021-ж.

## Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашига

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев раҳбарлигида 2020 йил 25 декабрь куни мамлакатимиз ёшлари билан видеоселектор тарзида ўтказилган Ўзбекистан ёшлари форумида Президентимиз томонидан “Бир миллион дастурчи” лойиҳаси доирасида 2021-2022 йилларда 300 минг нафар ёшларни компьютер дастурлаш асосларига бепул ўқитиш буйича соҳага қизиқадиган ёшларни аниқлаш, ўқитиш вазифаси белгилаб берилди.

Жорий йил декабрь ҳолати буйича республика миқёсида [www.uzbekcoders.uz](http://www.uzbekcoders.uz) портали орқали руйхатдан ўтиб “Бир миллион дастурчи” лойиҳаси доирасида таълим олаётганлар жами сони 75 433 нафарни ташкил этди. Шу жумладан улардан 46 595 таси иштирокчи ва 36 928 таси битирувчи сертификатини қўлга киритди.

Туманлар кесимида [uzbekcoders.uz](http://uzbekcoders.uz) порталидан руйхатдан ўтганлар сони буйича Хўжайли тумани (11 361 нафар), Кегейли тумани (7 960 нафар) ва Қўнғирот тумани (7 793 нафар) етакчилик қилиб келмоқда.

Хўжайли, Кегейли, Қўнғирот ва Беруний туманларида таълим олувчилари энг кўп сертификатларни қўлга киритишган (Иштирокчи сертификати буйича: Хўжайли тумани – 8 842 нафар, Кегейли тумани – 6 258 нафар, Қўнғирот тумани - 4 233 нафар ва Беруний тумани - 4 063 нафар. Шунингдек битирувчи сертификати буйича: Хўжайли тумани - 7 792 нафар, Кегейли тумани – 5 217 нафар, Қўнғирот тумани- 3 793 нафар ва Беруний тумани- 3 588 нафар).

Уларнинг фаолият тури буйича таҳлил натижларига кўра умумтаълим мактаб ўқувчилари жами лойиҳа иштирокчилари орасида 81% (61 156 нафар) билан етакчи ҳисобланади. Кейинги ўринларда олий таълим муассасалари талабалари - 7 %, ишловчилар - 5% ва бошқалар - 7%ни ташкил этади.

“Бир миллион дастурчи” лойиҳасини битирувчи сертификатини қўлга киритган кам таъминланган оилалар фарзандлари, темир дафтарга киритилган ёшлар, ишсиз ёшлар орасида ўзини-ўзи банд қилишни (фриланс) ривожлантириш мақсадида Ахборот технологиялари вазирлиги, Алоқабанк, IT-Park ташаббуси




билан уларга компьютер техникаси сотиб олишда имтиёзли кредитлар ажратиш бўйича Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори тасдикланди.

“Бир миллион дастурчи” лойиҳасида фаол қатнашчиларни рағбатлантириш мақсадида:

Ўзбекистон Республикаси бўйича “Бир миллион дастурчи” лойиҳаси доирасида ўтказилган танлов натижаларига кўра Қорақолпоғистон Республикасида 22 та умумтаълим мактабларининг информатика ўқитувчилари 2020 йил якуни бўйича вилоятлар кесимида 2-ўринни, 2020-2021 ўқув йили бўйича 16 та умумтаълим мактабларининг информатика ўқитувчилари ғолибликни қўлга киритди.

Энг юқори натижаларга эришганлиги муносабати билан Қўнғирот тумани 39-сонли умумтаълим мактабига жорий йилнинг апрел ойида Президент совғаси сифатида “Спарк” автомобили топширилди.

Вазир



Р.Реимов

Ижрочи: Р.Худайбергенов  
Тел: 93. 485-17-51



Xalq ta'limi tizimiga oid barcha yangiliklardan quyidagi havolalar orqali xabardor bo'lishingiz mumkin



www.uzedu.uz



t.me/uzedu



facebook.com/uzedu



instagram.com/uzedu.uz